

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Махмудов Бехзод Улуғмуродович

Гулистон туманлараро иқтисодий суди раиси

Аннотация: *Мазкур мақолада мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқий мақоми ва фуқаролик жамияти институти сифатидаги мақомидан келиб чиқиб, ушбу институтни такомиллаштиришга оид масалалар илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилинган. Мақолада мамлакатимизда амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар илгари сурилган.*

Калит сўзлар: *нодавлат нотижорат ташкилот, юридик шахс, фуқаролик жамияти, давлат органлари, жамоатчилик назорати, ижтимоий шерикчилик*

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига ҳамда давлат ва жамият ҳаётида нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирокини ҳуқуқий таъминлашга алоҳида эътибор берилган. “Юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтлари ролини янада кучайтириш фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократлаштириш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви бўйича ўз олдимизга қўйган мақсадимизни рўёбга чиқаришда ҳеч бир муболағасиз ҳал қилувчи омил эканини, ўйлайманки, кимгадир уқтириб ўтиришга зарурат бўлмаса керак” .

Республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислохотлар нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини тобора оширмоқда. Шунингдек, жамият ҳаётидаги кўпгина масалаларни, айниқса, ижтимоий, маданий, экологик ва бошқа муаммоли масалаларни ҳал этишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг аҳамияти катта. Бугунги кунда улар фуқаролик жамиятини шакллантиришда, демократик кадриятларни такомиллаштиришда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда, мамлакатни демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнида улкан вазифаларни бажаришда фаол иштирок этишмоқда.

Уларнинг самарали фаолият кўрсатишлари учун мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият кўрсатишининг ҳуқуқий асослари яратилган. Хусусан, улар фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик кодекси, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Жамоат фондлари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари

тўғрисида”ги қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларига юртимизда бу каби эътибор берилиши уларни ташкил қилиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ўзига хос хусусиятларини миллий қонунчилигимиз ва хорижий тажрибани солиштирган ҳолда ўрганиш ушбу соҳани такомиллаштиришда ижобий натижалар беради.

Бироқ, амалиётда кузатувлардан шу нарса маълум бўладики, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг мақсад ва вазифалари доираси кенгайганлиги, фаолият соҳаси кўпайганлиги ва уларнинг янги қирралари очилаётганлиги, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жамият ҳаётига интеграцияси кучаётганлиги муносабати билан айрим нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаолиятига оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш зарурати юзага келмоқда.

Истиқлол даврида мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг самарали фаолият юритиши учун норматив-ҳуқуқий базаларни такомиллаштиришга катта эътибор қаратилди. Бугунги кунда уларнинг ҳуқуқий мақоми, роли ва аҳамиятини кучайтиришга қаратилган

200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Бугунги кунда республикада нодавлат нотижорат ташкилотларининг ривожланишини ўрганиш, соҳадаги муаммо ва ижобий ўзгаришларни аниқлаш, уларни баҳолаш ва таклифларни ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот муассасаси мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПҚ–4501-сон “Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази ташкил этилган. Ушбу Марказнинг асосий вазифаларидан бири этиб фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида илмий ва эксперт доиралар иштирокида фундаментал ва амалий тадқиқотлар ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашиш, уларнинг натижаларини умумлаштириш асосида ўрта ва узоқ истиқболда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг миллий моделини янада такомиллаштириш ва стратегик йўналишларини белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш белгиланган. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги

ПФ–5980-сон “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонининг 6-бандига асосан Марказ Таъсисчилар кенгашининг 2020 йил 4 майдаги қарори билан уни тугатиш ҳақида қарори қабул қилинган ҳамда Адлия вазирлиги нодавлат нотижорат ташкилотлари реестрига ушбу ташкилотнинг тугатилаётганлиги ҳақида ёзув киритилган.

Маълумотларга қараганда, дунёда 6 000 дан ортиқ “ақл марказлари” фаолият юритади. Уларнинг аксарият қисми АҚШ, Канада ва Мексикада жойлашган. Осиё,

Лотин Америкаси, Африка, Яқин Шарқ ва Шимолий Африкадаги “ақл марказлари” асосан давлат томонидан молиялаштирилади.

Аксарият марказлар таълим муассасалари ҳузурида ташкил этилган. Масалан, АҚШнинг Джон Хопкинс университети ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ўрганиш маркази, Калифорния университетининг Фуқаролик жамияти тадқиқотлари маркази, Иқтисодиёт ва сиёсий фанлар мактабининг Фуқаролик жамияти маркази, Россия Олий иқтисодиёт мактаби ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ва нотижорат секторни ўрганиш маркази қабилар.

Давлат органлари, ташкилотларининг ҳамда нодавлат нотижорат секторнинг фуқаролик жамияти соҳасига оид ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида Фуқаролик жамиятини ўрганиш марказини ташкил этиш таклиф этилади.

Марказнинг асосий вазифалари этиб қуйидагиларни белгилаш мақсадга мувофиқ:

халқ билан мулоқот ҳолати ва ривожланишини ўрганиш, давлат органлари фаолияти очиклигини тизимли таҳлил қилиш;

фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида илмий ва эксперт доиралар иштирокида фундаментал ва амалий тадқиқотлар ташкил этиш

ва ўтказишга кўмаклашиш, уларнинг натижаларини умумлаштириш асосида ўрта ва узоқ истиқболда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг миллий моделини янада такомиллаштириш ва стратегик йўналишларини белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

фуқаролик жамияти ривожланишининг ҳуқуқий тартибга солиниши ҳолатини ва ушбу соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини тизимли ўрганиш ва таҳлил қилишни ташкил этиш, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш, жамоатчилик бошқарувида уларнинг иштирокини кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга оширишни ўрганиш ва таҳлил қилишни ташкил этиш, давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлиги, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чораларининг замонавий механизмларини жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

фуқаролик жамияти ривожланишини, унинг институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлик даражасини, шунингдек, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қўшган ҳиссасини баҳолаш индикаторларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни ташкиллаштириш, улар асосида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ҳолати ва ривожланиш тенденциялари ҳақида даврий ва махсус илмий-таҳлилий маърузалар ҳамда бошқа материаллар тайёрлаш;

демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнларини, аҳолининг ижтимоий кайфиятига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва

бошқа вазифаларни ҳал этишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини, улар томонидан жисмоний

ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини ўрганиш ва тизимли таҳлил қилиш;

рақобатдош кўп партияли тизимнинг ривожланиш даражасини тизимли таҳлил қилиш, сиёсий партиялар томонидан ўз электорати манфаатлари йўлида ўтказиладиган тадбирларнинг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, фуқаролар фаоллигини ошириш, шунингдек, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокининг муаммоларини тизимли ўрганиш;

фуқаролик жамиятини ташвишга солаётган долзарб масалалар бўйича илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва жамоатчилик эшитувларини ўтказишни ташкил этиш, уларнинг яқунларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, шу асосида иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий вазифаларни ҳал этишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини кенгайтириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсати ва унинг амалий натижалари ҳақида жамоатчилик фикрини тизимли ўрганишни ташкил этиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш, тегишли ижтимоий тадқиқотлар ўтказиш;

фуқаролик жамияти институтлари вакилларига тегишли профессионал кўникмаларини шакллантиришда ва ишбилармонлик малака даражасини оширишда кўмаклашиш;

давлат ва жамият ўртасида очиқ мулоқотни ташкил этиш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, аҳоли билан қайта алоқа механизмларини йўлга қўйиш, фуқароларнинг долзарб муаммоларини ҳал этишнинг оптимал ёндашувларини ишлаб чиқиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда фуқаролик жамияти институтларига кўмаклашиш борасида ривожланган демократик давлатлар тажрибасини ўрганиш.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари тизимини ривожлантириш давлат органлари ва бизнес тузилмаларининг ижтимоий ҳамкорлиги жамиятдаги манфаатлар мувозанатини сақлашнинг энг самарали механизмларидан бири ҳисобланиб барча ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар, назорат ва мувозанат, прогрессив ривожланишини таъминлайди. Нодавлат ташкилотлар секторга эҳтиёжнинг мавжудлигининг иккита асосий сабаби яъни, ижтимоий

ва иқтисодий аҳамияти ҳисобланади.

Ўзбекистон биринчи навбатда ижтимоий харажатларни энгиллаштиришга қаратилган ҳимояга муҳтож қатламларни ҳимоя қилиш учун шароит яратиш орқали ислохотлар дастурини амалга оширади. Жамиятнинг кекса ва ногирон аъзолари, иш жойларини кенгайтириш

ва аҳолининг профессионал йўналишини ўзгартириш, қишлоқ хўжалигидаги ислохотларга ёрдам бериш кичик ва ўрта шаҳарларнинг ривожланишини рағбатлантирадиган жойлар ва кичик шаҳарлар тадбиркорлик фаолитини ривожлантириш чораларини кўради.

Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожланишига, уларга аниқ нарсалар билан таъминлаш орқали кафолатлар, имтиёзлар

ва преференсиялар, солиқ режимларини такомиллаштириш ва давлат маблағлари ажратади .

Бугунги кунда улар фуқаролик жамиятини шакллантиришда, демократик қадриятларни такомиллаштиришда, фуқароларнинг ҳуқуқ

ва эркинликларини ҳимоя қилишда, мамлакатни демократлаштириш

ва модернизациялаш жараёнида улкан вазифаларни бажаришда фаол иштирок этишмоқда. Уларнинг самарали фаолият кўрсатишлари учун мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият кўрсатишининг ҳуқуқий асослари яратилган. Хусусан, улар фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Жамоат фондлари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинади.

Демократик давлат барпо этиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мамлакатнинг иқтисодий потенциалини оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари (кейинги ўринларда – ННТ) муҳим аҳамият касб этади.

Қабул қилинган қонун ҳужжатлари натижасида ННТлар жамият қурилишида ўзининг мустақкам ўрнига эга бўлиб бормоқда, уларнинг сони йил сайин ўсиб бориши кузатилмоқда.

2020 йилда коронавирус пандемиясининг салбий таъсирига қарамасдан жамоатчиликни ташвишга солиб турган муҳим масалаларни ҳал этиш

ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш бўйича стратегик лойиҳалар ва дастурларни ишлаб чиқиш (амалга ошириш)да ННТлар фаол қатнашмоқдалар.

Ўтган йил давомида давлат органлари ва ННТлар ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш ҳамда таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, шунингдек, соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

“Давлат божлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, ННТларга давлат хизматларини кўрсатиш учун ундириладиган давлат божилари ставкалари қонун даражасида аниқ белгилаб қўйилди.

Бюджет кодексининг 71-моддасига Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан давлат грантлари, субсидиялар ва ижтимоий буюртма шаклида

нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш харажатлари амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Натижада 2021 йилдан бошлаб маҳаллий бюджетдан ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини молиялаштириш тизими яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги

ПФ–5980-сон “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони билан фуқаролар, жамият ва давлатнинг ўзаро яқин ҳамкорлигини ўрнатиш, шунингдек, давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси ташкил этилди.

Соҳадаги ўзгаришларнинг ННТлар фаолиятига таъсирини баҳолаш ҳамда келгусидаги тенденцияларнинг ривожланиш юзасидан мунтазам равишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ўзгартириш ва қўйимчалар киритилмоқда.